

## ХУСУСИЙ ҲАРБИЙ ВА ХАВФСИЗЛИК КОМПАНИЯЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО МАҚОМИ

*Омонуллаев Бобурбек  
Мустақил тадқиқотчи*

**Аннотация.** *Мазкур тадқиқот хусусий ҳарбий ва хавфсизлик компанияларини халқаро муносабатларнинг янги шиширокчилари сифатида мақомини аниқлаш муаммосига бағишланган. Хусусий ҳарбий ва хавфсизлик компанияларининг қонунийлиги мезонларини топиш учун ХХК, ёлланма аскарлар ва бошқалар билан шуғулланадиган халқаро ва миллий расмий ҳужжатларни хусусан БМТ ва ЕХХТ томонидан чиқарилган. БМТ ишчи гуруҳининг ХХК ва ёлланма аскарларга оид ишчи ҳужжатлари ва халқаро ташиқлотларнинг, биринчи навбатда ЭХХТ ва БМТнинг гуманитар ва тинчликпарварлик миссияларида улардан фойдаланишига оид ҳисоботларини ўрганиб чиқилди. Бундай амалиёт хусусий ҳарбий ва хавфсизлик компанияларининг мақомини белгилаш учун жуда муҳимдир. .*

*Мақолада ҳуқуқий соҳада хусусий ҳарбий ва хавфсизлик компанияларининг қонунийлиги ёки ноқонунийлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин бўлган мезонлар кўриб чиқилади.*

**Калим сўзлар:** *ҳуқуқнинг қонунийлиги; хусусий ҳарбий ва хавфсизлик компаниялари; ҳуқуқий тартибга солиш; ёлланма жангчилар; халқаро ҳуқуқ; қуролли можаролар ҳуқуқи.*

*The article examines examples of the influence of private military companies on international relations through direct and indirect intervention in military conflicts.*

**Key words:** *legitimacy of law; private military and security companies; legal regulation; mercenaries; international law; international humanitarian law.*

*В статье рассматриваются примеры влияния частных военных компаний на международные отношения посредством прямого и косвенного вмешательства в военные конфликты.*

**Ключевые слова:** *легитимность права; частные военные и охранные компании; правовое регулирование; наёмники; международное право; право вооруженных конфликтов.*

Америкалик сиёсатшунос П.В.Зингернинг фикрича хусусий ҳарбий ва хавфсизлик компаниялари замонавий шаклда давлат функцияларини хусусийлаштиришга қаратилган умумий тенденциянинг яна бир мантиқий

қадами сифатида пайдо бўлди.<sup>1</sup> Шу билан бирга, хусусий ҳарбий ва хавфсизлик компаниялари тобора кенг тарқалган бўлиб, уларга анъанавий равишда давлатга юкланган бир қатор полиция ва ҳарбий функциялар ўтказилмоқда. Мазкур ҳолат ушбу компанияларнинг мавжудлиги ва фаолиятининг қонунийлиги масаласини кўтаради. Ушбу ҳодисанинг таърифи норматив ҳужжатларда белгиланмаган, лекин бир қатор муҳим ҳужжатларда мавжуд, масалан, қуролли можаролар пайтида хусусий ҳарбий ва хавфсизлик компаниялари фаолияти билан боғлиқ тегишли халқаро ҳуқуқий мажбуриятлар ва давлатларнинг илғор амалиётлари тўғрисидаги Монтрё ҳужжати.

Мазкур ҳужжатга кўра, хусусий ҳарбий ва хавфсизлик компаниялари деганда ўзини қандай тавсифлашидан қатъий назар, ҳарбий ёки хавфсизлик хизматларини кўрсатувчи хусусий тадбиркорлик субъектлари тушунилади.

Ҳарбий ва кўриқлаш хизматларига, қуролли кўриқлаш одамлар ва объектларни ҳимоя қилиш, масалан, транспорт карвонлари, бинолар ва бошқа жойлар, жанговар тизимларга техник хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш, маҳкумларни қамоққа олиш, маҳаллий ҳарбий хизматчилар ва кўриқчиларга маслаҳат бериш ёки тайёрлаш киради.<sup>2</sup>

Агар давлат ичида давлат функцияларини хусусийлаштириш масаласи ички қонунчилик даражасида ҳал қилиниши мумкин бўлса, трансчегаравий фаолиятда эса бундай компанияларнинг рўйхатдан ўтган давлатлардаги мақомининг аниқлиги фаолият юритаётган давлатлардаги мезонларга мос келмаслиги мумкин. Ушбу номувофиқлик, айниқса, қуролли тўқнашувлар ёки ижтимоий кўзғолонлар натижасида назорати шубҳали бўлган ҳудудларда ХХК ўз функцияларини бажарадиган ҳолларда жиддий муаммога айланади.<sup>3</sup>

Хусусий ҳарбий ва хавфсизлик компанияларининг қонунийлиги ҳақида гапирилганда, уларнинг ҳуқуқий мақоми ҳали аниқланмаганига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Халқаро гуманитар ҳуқуқда уларга юкланган функцияларни бажаришнинг табиати ва шартларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Бундай компанияларнинг ҳуқуқий табиати тўғрисида умумий қабул қилинган тушунча мавжуд эмаслигига қарамай, бир қатор давлатлар ХХКларни тартибга солувчи ва уларнинг хизматлари халқаро ташкилотлар даражасида талабга эга ҳуқуқий нормаларни ўрнатдилар. Бу ХХКларни қонунийлик нуқтаи назаридан ҳам кўриб

<sup>1</sup> Singer P.W. *Corporate Warriors: The Rise of the Privatized Military Industry*. Ithaca, NY: Cornell University Press, 2008

<sup>2</sup> Документ ООН A/63/467-S/2008/636 от 6 октября 2008 года (Документ Монтрё о соответствующих международно-правовых обязательствах и передовых практических методах государств, касающихся функционирования частных военных и охранных компаний в период вооруженного конфликта)

<sup>3</sup> Шугуров М.В. Феномен легитимности права: философско-правовое осмысление // Российский журнал правовых исследований. 2015.

чиқишга имкон беради - қонунийликка яқин, аммо унга ўхшаш бўлмаган тушунча.<sup>4</sup>

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда хусусий ҳарбий ва хавфсизлик компанияларининг қонунийлиги мезонларини шакллантириш учун учта боғлиқ хусусиятни кўриб чиқиш керак - қонунийликнинг ўзи, энг кенг категория сифатида қонунийлик ва бу тушунчаларни боғловчи жараён - қонунийлаштириш. Шу билан бирга, уларнинг ижтимоий-сиёсий тан олинishi масаласи ҳам миллий, ҳам халқаро миқёсда мунозарали бўлиб қолмоқда.<sup>5</sup>

Халқаро ҳуқуқ доирасида ижобий эътироф ХХКларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) нинг тинчликпарвар операциялари ва Европа Иттифоқи (ЕИ)нинг қўшма операциялари ва миссияларида, шу жумладан миграция инқирозини ҳал қилиш, қарокчилик, халқаро терроризм ва одам савдосига қарши курашишга қаратилган операцияларида иштирок этиши деб ҳисобланиши мумкин. Шунинг таъкидлаш керакки, бундай операцияларда иштирок этувчи ХХК лар ходимлари маълум шартлар ва чекловларни ҳисобга олган ҳолда тинчликпарвар кучлар учун белгиланган иммунитетлардан фойдаланадилар. Бундай ҳолатда, тинчликпарвар кучлар таркибига киритиш тартиби - ХХК ходимларининг ҳуқуқий мақоми улар бевосита халқаро ташкилот ёки иштирокчи давлат томонидан воситачи сифатида ёлланганлигига қараб фарқ қилиши мумкин.

БМТ 1990-йиллардан бери ўз миссияларида бинолар ва ходимларни ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида хусусий ҳарбий пудратчилардан фойдаланган. БМТ ишчи гуруҳининг ёлланма жангчилардан инсон ҳуқуқларини бузиш ва уларга қарши курашиш воситаси сифатида фойдаланиш бўйича ҳисоботида “Халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи”ни амалга ошириш, шунингдек, мезбон давлат томонидан БМТ миссияларининг хавфсизлигини таъминлаш қийин ёки имконсиз бўлган ҳолатларда "Ташкилот" мураккаб фавқулодда вазиятларда, можаро ёки можародан кейинги ҳудудларда ХХК хизматларидан фойдаланганлигини ҳам таъкидлайди.<sup>6</sup>

Биргина 2014 йил ҳолатига кўра, “Тинчликни сақлаш операциялари департаменти ва Сиёсий ишлар департаменти” бошчилигидаги БМТнинг 29 та миссияси 2013-2014 йилларга мўлжалланган умумий бюджети тахминан 43 миллион долларни, шу жумладан қуролли хавфсизлик хизматлари учун

<sup>4</sup> Денисенко В.В. Легитимность как характеристика сущности права. Введение в теорию. Монография. М.: Юрлитинформ, 2014.

<sup>5</sup> Поляков А.В. Общая теория права. Курс лекций. СПб.: Юридический центр Пресс, 2017.

<sup>6</sup> Документ ООН А/69/338 от 21 августа 2014 года Доклад Рабочей группы по вопросу об использовании наемников как средстве нарушения прав человека и противодействия осуществлению права народов на самоопределение

14 миллион долларни ташкил этган 30 га яқин хусусий ҳарбий ва хавфсизлик компанияларидан фойдаланган.<sup>7</sup>

Миллий даражада ХХК фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг бир қанча ёндашувлари мавжуд, чунки бу соҳадаги халқаро саъй-ҳаракатларни ҳозирда муваффақиятли деб бўлмайти. БМТ нинг 1989 йилдаги ёлланма аскарларни ёллаш, улардан фойдаланиш, молиялаштириш ва ўқитишга қарши конвенциясини фақат ўттизта давлат томонидан ратификация қилинган, улар орасида АҚШ ва Россия йўқ. Шунингдек ХХКга оид махсус халқаро ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш, (Монтро ҳужжати каби маслаҳат ҳарактерига эга) ҳужжатларини қабул қилиш босқичидаёқ тўхтатилган.

ЕИ давлатлари ХХК лардан фойдаланиш имконияти бўйича сезиларли даражада фарқ қилади. Шу билан бирга, ХХК лар фаолиятига билвосита таъсир кўрсатадиган мавжуд миллий нормалар хусусий ҳарбий ва хавфсизлик хизматлари ва бундай хизматларни ЕИ дан ташқарига экспорт қилиш бўйича минтақадаги миллий қонунчиликнинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Мавжуд тартибга солувчи ҳужжатлар 1998 йилда ЕИ Кенгаши томонидан қабул қилинган қурол экспорти бўйича “Ахлоқ” ва “Хулқ-атвор” кодекслари билан биргаликда ва ундан алоҳида қабул қилинган умумий ташқи ва хавфсизлик сиёсатининг кенг доирасини ўз ичига олади. Ушбу нормалар миллий қонунчиликнинг ҳарбий хизматлар экспорти билан боғлиқ қоидаларига, масалан, қуролларни техник таъминлаш, бундай эмбарго хизматларидан мумкин бўлган олувчилар доираси, қуролларга нисбатан воситачилик операциялари, ўқотиш ва енгил қуролларни экспорт қилиш каби талабларни шакллантирди.

1998 йилда умумий ташқи ва хавфсизлик сиёсатининг бир қисми сифатида ЕИ нинг қурол экспорти бўйича Ахлоқ кодекси қабул қилинди. Дастлаб у оддий қуролларни етказиб бериш бўйича умумий стандартларни ўрнатиш ва аъзо давлатлар ўртасида қурол экспорти тўғрисида маълумот алмашишни осонлаштиришга қаратилган бўлиб, 1999 йилдан бери ЕИ га аъзо давлатлар томонидан қурол экспорти бўйича ҳар йили махфий ҳисоботлар алмашинувиға олиб келди ва қуролларни экспорт қилиш бўйича умумий ҳисобот тузилади.<sup>8</sup>

Шундай қилиб, ЕИ Кенгашининг 2008 йил 8 декабрдаги умумий позицияси, ҳарбий технологиялар ва товарлар экспортини назорат қилишнинг умумий қоидаларини белгилайди, шунингдек мазкур соҳада ЕИга аъзо давлатлар

<sup>7</sup> Council of the European Union. EU Council Doc. 8628/14 EU Concept for Contractor Support to EU-led Military Operations. Brussels, 7 April 2014 PDF-file.

<sup>8</sup> The European Union. "Internet Addresses of Member States' National Websites Providing National Reports on Arms Exports." Official Journal of the European Union. UN, 21 Jan. 2014. PDF-file.

ўзларининг лицензиялаш амалиётига қўллашлари шарт бўлган анъанавий қуро­ турларини экспорт қилиш мезонлари ўрнатилди.<sup>9</sup>

Бугунги кунда бундай ҳисоботларда экспорт ҳажми ва олувчилари, алоҳида аъзо давлатлар учун махсус қуро­ турлари ҳақида батафсил маълумотлар мавжуд бўлиб, Кипр ва Грециядан ташқари, аксарият аъзо давлатлар ўзларининг миллий ҳисоботларини жамоатчиликка эълон қилишади.

Шунингдек, ЕИ га аъзо давлатлар ва уларнинг масъулияти остидаги ҳудудларнинг миллий хавфсизлигини, дўстона ва улар билан боғлиқ ваколатларни ва контрагент давлатлардаги террористик хавфларни ҳисобга олишлари шарт. Масалан, Португалия ушбу умумий позицияга асосланиб, барча брокерларни Мудофаа вазирлигида рўйхатдан ўтишга мажбурловчи қонунни қабул қилган. Унга кўра бундай брокер маълум брокерлик операциялари учун лицензия олиши керак ва брокерлик лицензиясини олган барча шахслар ва ташкилотларнинг файллари камида 15 йил давомида сақланиши керак.<sup>10</sup>

ЖАР қонунлари ҳарбий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ муайян фаолиятни тартибга солиди ва ёлланма фаолиятини тақиқлайди; ёлланма фаолиятни тақиқловчи ушбу қонунга мувофиқ қонун билан тақиқланган фаолият учун жиноий жавобгарликни ва ҳуқуқбузарликлар учун миллий судларнинг экстратерриториал юрисдикциясини белгилайди. Бироқ, 2010 йилда БМТ Ишчи гуруҳининг ЖАР га ташрифи чоғида хусусий ҳарбий ва хавфсизлик секторини самарали тартибга солинмаганлигини таъкидлади.

Хусусий ҳарбий ва хавфсизлик хизматлари бозорида биринчи ўринни эгаллайдиган АҚШ да биринчи навбатда, ҳукумат ва оддий қуро­лли кучларнинг хусусий ҳарбий компаниялар билан муносабатларини тартибга солинган, шу билан бирга экстратерриториал юрисдикция тўғрисидаги қабул қилинган қонун эса ўз самарасини бермаган. Давлатлар мудофаа ва хавфсизлик билан боғлиқ анъанавий функцияларининг бир қисмини бундай компанияларга топширганда уларнинг фаолияти мазмуни муҳим рол ўйнайди.<sup>11</sup> Бундай шароитда давлат хусусий ҳарбий ва хавфсизлик компаниялари яхлитлигининг кафолатига айланиши керак ва давлат ҳокимиятининг қонунийлиги ҳокимият манфаатларидан келиб чиқадиган хусусий ҳарбий ва хавфсизлик компанияларига ҳам тааллуқли бўлиши керак.

Шундай қилиб, қонунийлик манбаи сифатида одамлар ва хусусий ҳарбий ва хавфсизлик компаниялари ўртасида тўғридан-тўғри алоқа йўқ уларнинг

<sup>9</sup> Council of the European Union. "Council Common Position 2008/944/CFSP of 8 December 2008 Defining Common Rules Governing Control of Exports of Military Technology and Equipment." Official Journal of the European Union. PDF-file.

<sup>10</sup> [Документ ООН А/66/154 от 15 июля 2011].

<sup>11</sup> "18 U.S. Code Chapter 212. Military Extraterritorial Jurisdiction Act (MEJA), §§ 3261—267." Cornell Law School. Legal Information Institute. Cornell Law School, 2000.

шаклланиши, фаоляти ва ҳуқуқий мақомининг асосий манбаи давлат воситачилигида амалга оширилади.<sup>12</sup>

ХХКларнинг қонунийлигини баҳолаш учун қўлланиладиган мезонларнинг асоси уларнинг замонавий инсонпарварлик қадриятларига содиқлиги аниқ бўлган муассасаларга хизмат кўрсатиш жараёнидаги ҳақиқий фаолятидир. Бундай мезонлар хусусий ҳарбий ва хавфсизлик компанияларидан фойдаланишнинг аҳамияти ва асосланишини тан олиш, ХХК ларнинг алоҳида хизматларига норматив талабларни белгилаш ва уларни амалга ошириш усулларини ўз ичига олади.<sup>13</sup>

Хулоса қилиб айтганда, ХХК ларни миллий ва халқаро даражада ҳуқуқий тартибга солишни ривожлантириш ўз навбатида, уларни қонунийлаштириш жараёнини расмийлаштиради.

Шундай қилиб, ХХКлар қонунийлигини баҳолаш учун қўлланиладиган мезонларнинг асоси уларнинг замонавий гуманитар қадриятларга содиқлиги аниқ бўлган институтларга, хусусан, БМТга хизмат кўрсатиш жараёнидаги ҳақиқий фаоляти ҳисобланади. Бундай мезонлар хусусий ҳарбий ва хавфсизлик компанияларидан фойдаланишнинг аҳамияти ва асослигини тан олиш, ХХКларнинг ўзига хос хизматлари ва уларни амалга ошириш усулларига меъёрий талабларни белгилашдир.

Хусусий ҳарбий ва хавфсизлик компанияларини миллий ва халқаро миқёсда норматив-ҳуқуқий тартибга солишни ривожлантириш, ўз навбатида, ХХКларни қонунийлаштириш жараёнини расмийлаштиради, уларни ижтимоий воқелик билан боғлайди ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда уларнинг ўхшаш, аммо ижтимоий тан олинмаган ҳодисалар табиатидан фарқ қиладиган қиймат табиатини мустаҳкамлайди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Документ ООН А/63/467-S/2008/636 от 6 октября 2008 года <https://www.icrc.org/rus/assets/files/other/montreau.pdf>.
2. Документ ООН А/66/154 от 15 июля 2011 г. Доклад Генерального секретаря «Контроль над обычными вооружениями на региональном и субрегиональном уровнях» [Электронный ресурс] // Official Documents System of the United Nations: Система распространения электронных документов ООН Режим доступа: <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/GEN/N11/417/61/PDF/N1141761.pdf?OpenElement>.
3. Документ ООН А/69/338 от 21 августа 2014 года Доклад Рабочей группы по вопросу об использовании наемников как средстве нарушения прав человека и противодействия осуществлению права народов на самоопределение. [Электронный ресурс] // Объединенные нации. Главное Управление

<sup>12</sup> Шмитт К. Политическая теология. М.: КАНОН-пресс-Ц., 2010.

<sup>13</sup> Вебер М. Избранные произведения. М.: Прогресс, 1990.

Верховного Комиссара ООН по правам человека. Режим доступа: [http://www.ohchr.org/Documents/Issues/Mercenaries/WG/A.69.338\\_ru.doc](http://www.ohchr.org/Documents/Issues/Mercenaries/WG/A.69.338_ru.doc).

4. Алексеев С.С. Теория права. М.: БЕК, 1995.
5. Вебер М. Избранные произведения. М.: Прогресс, 1990.
6. Денисенко В.В. Легитимность как характеристика сущности права. Введение в теорию. Монография. М.: Юрлитинформ, 2014.
7. Поляков А.В. Общая теория права. Курс лекций. СПб.: Юридический центр Пресс, 2001.
8. Шмитт К. Политическая теология. М.: КАНОН-пресс-Ц., 2000.
9. Шугуров М.В. Феномен легитимности права: философско-правовое осмысление // Российский журнал правовых исследований. 2015. №. 1. С. 86—103.
10. "18 U.S. Code Chapter 212. Military Extraterritorial Jurisdiction Act (MEJA), §§ 3261—267." Cornell Law School. Legal Information Institute. Cornell Law School, 2000. Web. <<https://www.law.cornell.edu/uscode/text/18/partII/chapter-212>>.

#### References:

1. "18 U.S. Code Chapter 212. Military Extraterritorial Jurisdiction Act (MEJA), §§ 3261—267." Cornell Law School. Legal Information Institute. Cornell Law School, 2000. Web. <<https://www.law.cornell.edu/uscode/text/18/partII/chapter-212>>.
2. Alekseev S.S. Theory of Law. Moscow: BEK Publisher, 1995. (In Russian).
3. Council of the European Union. "Council Common Position 2003/468/CFSP of 23 June 2003 on the Control of Arms Brokering." Official Journal of the European Union.
4. Council of the European Union. "Council Common Position 2008/944/CFSP of 8 December 2008 Defining Common
5. Council of the European Union. "Council Recommendation of 13 June 2002 Regarding Cooperation between the Competent National Authorities of Member States Responsible for the Private Security Sector (2002/C
6. Council of the European Union. EU Council Doc. 8628/14 EU Concept for Contractor Support to EU-led Military Operations. Brussels, 7 April 2014
7. Denisenko V.V. Legitimacy as a Characteristic of the Essence of Law. Introduction to the Theory. Moscow: Yurlitinform Publisher, 2014. (In Russian).
8. European Court. "Document 61997CJ0114. Judgment of the Court (Fifth Chamber) of 29 October 1998. Commission of the European Communities v Kingdom of Spain. Case C-114/97." EUR-Lex. Access to European Union Law. EU, n.d.
9. European Court. "Document 61999CJ0283 Judgment of the Court (Fifth Chamber) of 31 May 2001. Commission of the European Communities v Italian Republic. Case C-283/99. "
10. Janaby M.G. "The Legal Status of Employees of Private Military/Security Companies Participating in U.N. Peacekeeping Operations." Northwestern Journal of International Human Rights 13.1 (2015): 82—102. Web.